

# САМИМИЙ КҮТЛОВЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳу. Муборак Ийд ал-Фитр кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шаҳсан ўз номимдан сийҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаб, самимий табрикларим ва биродарона тилакларимни йўллашдан бахтиёрман. Қодир Аллоҳдан барчамизга бахт-саодат ва сийҳат-саломатлик, мусулмон умматига эса хайр-баракот ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан. Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз. Биродарингиз

Икки муқоддас масжид ходими, Фахд бин Абдулғазиз ас-САУД, Саудия Арабистони Подшоҳи.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллашдан бахтиёрман. Сизга сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаб менга мамнуният бахш этади. Биродар Ўзбекистон халқига Сизнинг доно раҳбарлигингиз остида доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Қодир Аллоҳдан Ислому умматига ушбу кутлуғ кунлардан беадаб насиб этишини сўрайман. Қобус бин САИД, Уммон Султони.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ҳукумати, халқи ва шаҳсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни йўллашдан бахтиёрман. Сизга мустақам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар ўзбек халқига эса, доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Абдуллоҳ Иккинчи, Иордания Подшоҳи.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Бутун ислому оламига муборак Ийд ал-Фитр байрами кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг эзгу тилак ва табрикларимни йўллашдан бахтиёрман. Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига осойишталик ва фаровонлик тилайман.

Байрамингиз кутлуғ бўлсин! Али Абдуллоҳ СОЛИҲ, Яман Республикаси Президенти.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳу. Ислому уммати кутлуғ Ийд ал-Фитр байрамини нишонлаши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларим ва эзгу истақларимни йўллаб, мустақам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда ватанингиз ва ислому хизмати йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда муваффақиятлар тилайман. Қодир Аллоҳдан рўзамини ва ибодатларимизни қабул қилишини ҳамда Ислому умматига фақат яхшилик ато этишини сўрайман.

Ушбу саодатли айёмда Аллоҳдан буюк халқингизга хурсандлик, тинчлик ва Ислому уммати сафларини жипс-лаштиришда зафарлар ато этишини сўрайман. Жаноби Олийлари, самимий эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Абдуллоҳ БЕЛКАЗИЗ, Ислому конференцияси ташкилоти Бош котиби.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАМҲҲЎР

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган




2001 йил 18 декабрь сешанба Сотувда эркин нархда № 256 (2818)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАҲЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## ЯНГИЙҮЛ ЦЕЛЛЮЛОЗАСИ

Мамлакатимиз қоғоз саноатида шу чоққача четдан келтирилаётган ёғоч целлюлозаси ўрнини пахта линтидан тайёрланаётган целлюлоза эгалламоқда. Уч ой илгари Янгийул туманида иш бошлаган целлюлоза-қоғоз фабрикаси ана шундай камёб маҳсулотнинг дастлабки туркумини истеъмолчиларга етказиб берди.



Ўзбек қоғоз саноатининг гиганти тўла қувват билан ишлаши учун ҳомиш — пахта линти етарли. Масалан, унинг шундоққина рўнарсидида жойлашган Янгийул пахта тозалаш заводи ҳар йили 600 тонна атрофида линт етказиб бериши мумкин. Бундай заводлар эса мамлакатимизда жуда кўп. Афсуски, шу чоққача ўн минг тонналаб ана шундай қимматбаҳо ҳомиш чiqқитга чиқиб кетаётган эди. Мутахассисларнинг фикрича, корхона йилига 20 минг тонна целлюлоза, 12 минг тонна қоғоз ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Маҳсулотимиз дарров истеъмолчилар диққатини ўзига тортиб, — дейди фабрика директори Ойил Орипов. — Мамлакатимиздаги қатор ишлаб чиқариш корхоналаридан буюртмалар тушмоқда. Марказий Осиё давлатлари, шунингдек, Европа мамлакатлари ҳам маҳсулотимизга қизиқиш билан қарамоқда. Хусусан, германиялик ишбилармонлар синов намунаси сифатида ўн беш тонна маҳсулотга буюртма берди. Пахта линтидан тайёрланган целлюлозани хорижий истеъмолчиларга маъқул келди, деб ишонимиз. Негаки, мураккаб ва озик ишлаб чиқариш жараёни тўлиғича замонавий технология асосида ташкил этилган. Бу эса маҳаллий ҳомишдан ҳам яхшироқ андозаларига мос, юқори сифатли целлюлоза олиш имконини бермоқда.

Н.ДУШАЕВ, Ў.А. мухбири.

СУРАТЛАРДА: муҳандис-оператор Гайниддин Баратов; корхонанинг ички кўриниши.

Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар.

### ОМБУДСМАН ВА ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГ

Бухоро вилоят ҳокимлигида «Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида» ги Қонун ижроси ҳамда тадбиркорлик ҳуқуқига риоя этиш мониторингини масалаларига бағишланган мулоқот бўлди. Тадбирда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари муҳофазаси борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида гапириб берди. У, хусусан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб, бу борада жойлардаги аҳолини таълим этиш муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Тадбиркорлик ҳуқуқига риоя этиш мониторингини масалаларига бағишланган тадбирлар Гиждувон ва Шойфиркан туманларида ҳам ўтказилди. Омбудсман вакиллари вилоят телевидениесида давра суҳбати уюштириб, инсон ҳуқуқлари бўйича фуқароларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

### «САЛОМАТЛИК» ПОЕЗИДИ

Халқаро «Экосан» жағма-масаланинг инсонпарварлик ёрдами ортлган навабдаги «Саломатлик» поэмиди Нукусга етиб келди. Оробуий минтақасида истиқомат қилаётган аҳолининг саломатлиги ва турмушини яхшилаш учун 42 миллион сўмлик долари, дармон, кийим-кечак, озик-овқат, техник воситалар келтирилди. Оналар ва болалар йилида «Экосан» жағма-масаласи Қорақалпоғистонга 200 миллион сўмдан ортиқ бегараз кўмак берди.

«Экосан» жағма-масаласи Оролу муаммосига халқаро жамоатчилик эътиборини жалб этиши, сун танкистлик оқибатларини енгиллаштириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган тадбирларда ҳам иштирок этмоқда. Жағма-масаласида Олмонияда ўтказилган халқаро анжумандан маъмур масала асосидан 20 дан ортиқ аниқ тақдирлар баён этилган лойиҳалар олим келди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорни Кенгаеида ана шу лойиҳаларнинг тақдимот маросими бўлди.

### Мўҳим вазирлар белгиланди

Нукусда қишлоқ ҳўжалиги хўдмиларининг семинари-кенгаши бўлди. Унда республика қишлоқ ҳўжалиги тизимидаги барча идора ва ташкилот раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди. Истиқлол йилларида қишлоқда ҳам мулкчиликнинг турли кўринишлари қарор топди. Аиниқда деҳқонларда ерга ва мулкка илгича муносабат шаклланди. Бугунги кунда Қорақалпоғистонда 168 та қишлоқ ҳўжалиги корхонаси, 109 ширкат ҳўжалиги, кўп-кўп фермер ҳўжаликлари иш олиб бормоқда. Кенгаш қатнашчилари 2002 йилги қишлоқ ҳўжалиги мавсумига тайёрларининг бориши ҳақида фикр алмашди. Ғалабиди мўҳим вазирларнинг ўрни эълитириб этилиб шундай дейилган: «Ўзбекистон демократияси ҳақида мамлакат иқтисодий»

## МУБОРАК РАМАЗОН ҲАЙИТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим! Ассалому алайкум, азиз мўмин-мусулмон биродарлар! Аллоҳ таолога беадаб ҳамду сано бўлсинки, муборак Рамазон ойи рўзамини тугатиб, ҳайит байрами кунларига соғсаломатлик, тинчликда етиб келганимиздан бағоят мамнунимиз.

Сизларни Рамазон ҳайити байрами муносабати билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва шаҳсан ўз номимдан муборакбайр айтман. Аллоҳ юртимизга тинчлик, фаровонлик, осойишталик ато айласин!

Бу кутлуғ кунларда эл-юртнинг қамоли, халқимизнинг бахт-саодати, мустақам иймон-этиқоти яна бир бор намойиш бўлиши табиий. Зеро, ислому дини адолат ва меҳр-муруват, поклик ва бағрикенгликка чорловчи, кичиларни маънабу бойлик, нафсу ҳаво каби бу дунёнинг сароб фарогатлари ортдан кўвишга эмас, акинча, шахсий таъмадан кўра халқ манфаати ва юрт фаровонлигини устуни қўйиш, шу йўлда астойдил меҳнат қилишга даъват этувчи таълимотдир.

Аллоҳнинг инояти ва истиқлол шарофати ила барчамиз мана шундай улғу айём ила бир-бирларимизни сиқидилган муборакбайр этиши шарафига муяссар бўлиб турибмиз. Аллоҳ ҳузурини оларнинг энг афзалли, барока, раҳмат ва манфариғат ойна бўлиши муборак. Рамазон шарафининг ўттиз кунлик рўзамини муқамал адо этишликни насиб этмоқда. Бу

поклиниш ойда қилган ибодатларимиз, тутган рўзаларимиз, хайри амалларимиз, масжидларда ўқиган хатми Қуръон ва таровеҳ намозларимизни, шунингдек, саҳар чоғида қилган дуо-ю илтижоларимизни Аллоҳ таоло ўз даргоҳида қабул айлаб, ўзининг туганмас ғайбисидан кўпдан-кўп ажру савоблар ато қилсин.

Рамазон ҳайитининг файзу барокати қаблларимизни ва ҳондонларимизни мунаваар айласин. Шунинг мамнуният билан айтишимиз мумкинки, бу йил дериғимиздаги барча масжидларда хатми Қуръон ўқизилди, уларда республикамиздаги қориларнинг иштирок этишлари кўпнардир бўлди. Ҳамда ўша кунларда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ходимлари ва жоьме масжид имом-хатибларининг телевизор, радио ва оммавий ахборот воситалари орқали чиқиб, имон-этиқод, адалу инсоф, меҳр-оқибат, дўстлик ва биродарликка бағишланган кўрсатув ва эшиттиришлардаги маърузалари, шунингдек, чиқарили мақоалалари билан қишқилари мўҳим воқеа бўлди.

Яратганга беадаб шукрки, зулму асосига қўрилган, динни оқиб ости қилган тузум йўқ бўлди. Истиқлол йиллари ортда қолиб, ҳозирги кунда халқимиз ҳурриятнинг тоза ҳавосидан нафас олмақда. Парвардигори олам эмин-эркинлигини бизнинг оламимизга айласин!

Утган ўн йил давомида бўлган ўзгариш ва янгиликлар ичидан фақат диний ва мил-

лий қадриятларга тааллуқли бўлганларини олиб қарайдиган бўлсақ, бизлар шу фурсат ичида жуда кўп ютуқларга эришганимизни кўришимиз мумкин. Минглаб масжид, ўнлаб мадрасалар, олий маъбад, ислому университети мўмин-мусулмонлар учун илҳом манбаи бўлиб турибди. Она юртимиздан етишиб чиққан буюк алломаларимизнинг тарихи билан янги-янги танишиб, уларнинг ислому аҳли учун ёниб қолган илми ва маънавий меросларини ўрганиб, ҳаётимизга татбиқ қилиш имкониятига эга бўлиб турибмиз. Утмишда ўтган азиз кичиларнинг руҳи покларини шод қилиш мақсадида ҳамда келажак авлодга маънавий озуқа бўлиши учун зиёратгоҳ ва қадимлар обод қилинди. Зеро, ўтганларнинг руҳини шод қилиш биз триқилар олдидаги асосий вазифалардан биридир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда «Парвардигорингиз сизга ато этган илҳоми ҳақида бошқаларга айтиб беринг!» — деган. Демак, Ҳолиқ Аллоҳнинг шунча неъматларига мушарраф бўлиб турган эканмиз, бу ҳақда ҳар доим, ҳар кимга гапириб, унинг шукрини адо қилишимиз лозим бўлади.

Маълумки, Рамазон ҳайити кунинда барча мусулмонлар бир-бирларини муборакбайр этиб, табарук отахон-онахонларга узоқ умр, иймон, ешларга тафвиқу рушди ҳидоят тилашди. Қариндош-уруғларини, ёру биродарларини зиёрат қиладилар.

Ўз яқинлари ва беморларнинг холидан хабар оладилар. Бу кунда шундай хайри ишлар ҳар бир эъти нияти кишиларнинг қалб этроғига айланади. Бирор сабабга кўра аралашган, гина-кудурати таниш-билишлар ҳам ҳайит кунларида бир-бирларига кучоқ очадилар, ўзаро ўз сўрашадилар. Чунки кеңиримли ва меҳр-оқибатли бўлиш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Рамазон ҳайити байрам бўлгани учун бу кунларни азага айлантормасдан ўзига хос, мумоёиб ҳолда ўтказиш лозим. Ҳар бир мусулмоннинг иккинчи мусулмон биродарига нисбатан маълум ҳақ-ҳуқуқлари бор. Чунки Расули Акрам (с.а.в.) бир ҳадиси шарифларида марҳумат қилдиларки: «Ҳар бир мусулмоннинг зиммасида иккинчи мусулмон биродарига нисбатан олтига бурчи бордир: учрашганда салом бериш, меҳмонга қачирса бориш, маслаҳат сўраса, яхши маслаҳат бериш, аксириб ҳамд айтса, унга дуо билан жавоб қайтариш, бетоб бўлиб қолса, кўрғани бориш ва вафот этса, жаноза ва дафнида қатнашиш».

Демак, шу бурчлардан бири танишлардан бирортаси вафот этса, унинг жанозасига ҳозир бўлишдир. Сунга майитнинг қариндошларига тазия билдириб, Аллоҳнинг ҳўмига рози бўлиш, мусибатга сабр қилишлари ҳақида насихатлар айтиш.

(Давоми 2-бетда).

## Мустақил сиёсат самараси

Ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ҳамкорликни кенг йўлга қўйиши билан бирга халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустақамлаштириш, шубҳасиз.

Очиги, мамлакатимиз Президентининг 11 сентябрда Америкада рўй берган муҳим воқеалардан кейинги терроризмга нисбатан позицияси баъан давлат раҳбарларини ажаблантирган ҳеч кимга сир эмас. Бизга нисбатан айрим хориқ матбуотда сохта ахборотлар, уйдирмалар, бир ёқлама қарашлар пайдо бўлди. Сир эмаски, ҳатто баъзи яқинларимиз ҳам Афғонистондаги вазит қайси томонга юз тутар экан, апар у қўйилган натижага бермас, толиблар пайт пойлаб бизга ҳўжум қилмайдами, дея ҳавотирга ҳам тушиди. Лекин Юрбошимиз октябр ойларининг бошларидаги ўз Баёнотида ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларига ҳўкуматимизнинг шу жулмадан халқимизнинг ўз нуқати назарини ифода қилиб берди.

Яқинда ўз ишнини тамомлаган Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида Президентимиз ўз нуқатида баъзи давлат, жамоат арбоблари ва оммавий ахборот воситалари «Ўзбекистонда АҚШ ҳарбийлари жойлашгани ва фойдаланишига берилган аэродромнинг тақдирини нима бўлади?» деб беэозта бўлишгаётганини айтди. Улар «Америка ҳарбийлари бу ерда доимий қоладими ёки вақтинчаликми, умуман, ҳарбий кучларнинг эртинги режалари нимадан иборат?» деб ўз қарашларини баён этмоқда. Бу табиийки, турли хил миши-миши ва уйдирмаларга сабаб бўлмоқда. Мамлакатимиз раҳбари ўз нуқтида бундай фикрда юрғанилганга асосли қилиб, баътафсил ва аниқ жавоб берди.

Ўзбекистоннинг барча масалаларида, шу жулмадан халқро терроризмда ҳам ўз вўли, ўзининг позицияси мавжуд. У бу йўлдан ҳеч қачон қайтмайди.

Ҳосия КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Шарҳловчи минбари

Ёдингизда бўлиши керак, шу йил 11 декабрда матбуотда АҚШ Президенти Жорж Бушнинг Ўзбекистон Президенти Ислому Каримовга мактуби эълон қилинди. Биз бу хатни алоҳида қизикти билан ўқидик. Самимий ва дўстона раҳмат билан ушбу номда мамлакатимизнинг халқро терроризмга қарши курашда жаҳон ҳамжамиятини ўз вақтида қўллаб-қувватлаганига юксак баҳо беришга ва бу Ўзбекистонда демократия ривожланиб бораётганининг натижасидир, деб таъкидланган.

Тўғри, Президентимиз номинга илгари ҳам бундай хатлар, табриклар, номлар келган. Лекин бунисининг ўрни бўлмас. Бу хат замонавий алоқа воситасида эмас, балки АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл орқали етиб келди. Давлат котиби Ўзбекистонга мамлакатимизнинг халқро қолиқини қўллаб-қувватлаётгани учун ташаккур иҳоз этиш мақсадида келганини айтди. Мактубда Ислому Каримовга табрик ва салом йўлланган, шунингдек, Ўзбекистон Президенти АҚШга лутфан тақдир этилган.

Хатда халқро терроризмга қарши курашда мамлакатимизнинг ўрни эълитириб этилиб шундай дейилган: «Ўзбекистон демократияси ҳақида мамлакат иқтисодий»

● Би-Би-Си хабарларига қараганда, кеча АҚШ қўшинлари Буюк Британия ҳарбийлари ва Афғонистондаги альянс кучларининг қўллаб-қувватлаши натижасида Тора-Борадаги ер ости истеҳкомларида жой сақлаётган юзлаб «Ал-Қоид» жангариларини қочишга мажбур қилган. Маълум бўлишича, аини амалиётлар сабаб 200 нафарга яқин жангари йўқ қилинган. 35 нафар террорчи эса асирга олинган. Бирок ҳозирча биринчи рақамли террорчи Усома бин Лодиннинг қаердалиги мавҳумлигича қолмоқда.

● Пентагон вакили генерал Томми Фрэнко Тора-Борани бутунлай қўлга олиш учун санокли кунлар қолганини маълум қилди. АҚШ мудофиа вазири Дональд Рамсфелд қатор оммавий ахборот воситалар орқали Тора-Борадаги жанглар тўхтатилганлиги ҳусусида тарқатилган хабарларни инкор қилиб, кураш охиригача олиб борилишини айтди.

● «Рейтер» агентлиги хабарига кўра, АҚШ орадан 12 йил ўтиб Кобулда яна ўз элчихонасини очган.

● АҚШнинг Афғонистондаги махсус вакили Жеймс Доббинс шу йилнинг 22 декабрида Кобулга халқаро тинчликпарвар кучларнинг дастлабки қисмлари киритилишини маълум қилди. Ҳозирда уларнинг сони 5 минг нафардан иборат бўлиши айтилмоқда.

● Мило Жуконич бошчилигидаги Черногория маъмурияти Югославия таркибидан чиқиб, мустақил бўлиш ҳаракатини бошлаганини айн қилди. Ҳатто Мило Жуконич (суратда) бу ҳақда келаси йил бошида референдум

ўтказилишини ҳам айтди. Югославия президенти В.Коштуница мамлакат ақиллигининг бузилишига йўл қўймоқчи эмас.

● Кеча Португалия Бош вазири, социалистик партия етакчиси Антонио Гуттереш (суратда) истеъфога қиширини маълум қилди. Маълум бўлишича, мамлакатнинг маҳаллий органларига ўтказилган сўяловда социалистик партиянинг мағлубиятга учраганилиги ушбу истеъфого сабаб бўлган.

● Фаластин раҳбари Ёсир Арофат телевидение орқали қилган мурожаатида Исроил Бош вазири Ариэль Шароннинг сузоқаралар стилига ўтиришини сўраган эди. Шунингдек, у барча фаластинликларни қуроли тўқнашуларни тўхтатишга ҳам чакирди.

● Борис Ҳерманович «ТВ-6» телеканалининг ўзига тегишли 75 фоизлик ақцияларини Евгений Киселев бошчилигидаги журналистлар жамоасига совға қилишини маълум қилди.

● Туркия ташқи ишлар вазири Исмоил Жем Покистонга таширф буюрди. У Исломободда покистонлик ҳамкасби Абдусаттор билан Афғонистонга халқро тинчликни сақлаш кучларини киритиш масаласини муҳокама этди.

● АҚШ дипломатлари Пекинда Хитой ташқи ишлар вазириги вакиллари билан учрашди. Хабарларга кўра, бу учрашув Оқ уй раҳбари Жорж Бушнинг ракетадан мудофиа тизими бўйича шартномдан чиқиб ҳақидаги байноти билан боғлиқ.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА



«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.



суғурталовчилар томонидан ҳисоботлар эълон қилинмаганлиги ёки ўз вақтида эълон қилинмаганлиги, шунингдек улар томонидан махсус ваколатли давлат органига ҳисоботлар ёки ахборотлар тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун — энг кам ойлик иш ҳақининг ярми қилиб белгилади;

суғурталовчилар томонидан тўловга қобилиятлилик талабларининг бузилганлиги учун — энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдорда;

маънавий суғурта шартномасининг афзалликлари ва шартлари тўғрисида, ўзининг молиявий аҳволи тўғрисида нотўғри маълумотларни ҳамда суғурта қилдирувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузганда бошқа ахборотни тарқатиш (тақдим этиш) йўли билан суғурта қилдирувчиларни ва махсус ваколатли давлат органига чағиритилган учун — энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз баравари миқдорда.

Ундирилган жарималарнинг суммаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда тақсимланади.

Махсус ваколатли давлат органи ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича судга даъво билан мурожаат этганда давлат божи тўлашдан озод қилинади.

Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ суғурта бозорининг профессионал иштирокчисини жавобгарликка тортиш уни ўзи йўл қўйган қондабузарликларни бартафари этиш ва зарарнинг ўринини қоплаш мажбуриятларидан, шунингдек айбдор мансабдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликнинг бошқа турларига тортишдан озод қилмайди.

Қонуни лойиҳаси бўйича тақлиф ва муҳоказаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иттифоқ кўнисида ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитасига қўйилган манзилга юборилишини сурагимиз:

700035, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. Телефонлар: 139-80-62, 139-81-13.

16

Буклаш чизиғи

Лойиҳа
Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ
СУГУРТА
ФАОЛИЯТИ
ТЎҒРИСИДА
«Халқ сўзи» — «Народное слово»
2001 йил

Киркиш чизиғи

туётган суғурта турлари (класслари) кўрсатилади.
14-модда. Суғурталовчининг лицензияси амал қилиши тўхтатиб турилишининг ўзига хос хусусиятлари.

Суғурталовчининг лицензияси амал қилишининг тўхтатиб турилиши унинг янги суғурта шартномалари тузишнинг тақиқлашга, шу жумладан амал қилиб турган суғурта шартномаларини узайтиришнинг тақиқлашга сабаб бўлади.

15-модда. Суғурталовчининг лицензияси амал қилиши тўхтатилишининг ўзига хос хусусиятлари.

Лицензиясининг амал қилиши тўхтатилиши суғурталовчи мавжуд банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб турилади, илгари тузилган суғурта шартномалари бўйича суғурталовчининг бошқарув харажатлари (маъмурий харажатлар), суғурталовчига тушаётган пуллари ҳисобга ёзиш ва суғурта ҳодисалари юзасига суғурта тўловларини тўлаш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустаснодир.

Лицензиясининг амал қилиши тўхтатилиши суғурталовчи қарор қабул қилган кундан эътиборан суғурталовчининг илгари амал қилган органиларнинг ваколатлари тўхтатиб турилади ва махсус ваколатли давлат органи суғурталовчининг муваққат маъмуриятини тайинлайди, суғурталовчининг барча бошқарув органилари ваколатлари унга ўтади.

Муваққат маъмурият ишининг моҳияти юзасидан суд қарор чиқарганда қадар бўлган даврда ўз фаолиятини амалга оширилади.

Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг ҳисоботи махсус ваколатли давлат органига ҳамда махсус ваколатли давлат органининг суғурталовчининг тугатиш тўғрисидаги аризаси йўланган судга тақдим этилади.

8

Буклаш чизиғи

Суғурталовчининг муваққат маъмурияти ўз фаолияти даврида харажат операцияларини амалга оширишга ҳақли эмас, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Муваққат маъмурият фаолият қўраб кўриб турган пайтда суғурталовчининг ишлаш тартиби махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Суғурталовчининг мажбурий тугатиш бўйича харажатлар, суғурталовчининг муваққат маъмурияти таркибига киририлган махсус ваколатли давлат органи ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳолларини истисно этганда, суғурталовчининг ҳисобидан амалга оширилади.

Махсус ваколатли давлат органининг суғурталовчи лицензияси амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори суғурталовчининг эътиборига етказилган ёки матбуотда эълон қилинган санадан бошлаб қучга қиради.

Ушбу модда суғурталовчининг аризасига биноан, шунингдек унинг қайта ташқиқ этилиши ёки тугатилиши натижасида лицензиянинг бекор қилиниши ҳолларига нисбатан таъбиқ этилмайди.

16-модда. Суғурталовчиларни қайта ташқиқ этишининг ўзига хос хусусиятлари.

Суғурталовчиларни қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиш, қайта тузиш шаклида қайта ташқиқ этиш махсус ваколатли давлат органининг оддиндан берилган розилиги билангина амалга оширилиши мумкин.

Қайта ташқиқ этишга розилик олиш учун тегишли илтимоснома билан бирга махсус ваколатли давлат органига қўйилган тақдим этилади.

Суғурталовчи (суғурталовчилар) ваколатли бошқарув органининг (ваколатли органиларининг) қайта ташқиқ этиш тўғрисидаги қарори;

тузилаётган суғурталовчининг истиқболга мўлжалланган жамламани баланси;

тузилаётган суғурталовчининг молиявий натижалари тўғрисидаги истиқболга мўлжалланган жамлама ҳисоботи;

тузилаётган суғурталовчининг молиявий (пул) оқимларининг харақати тўғрисидаги истиқболга мўлжалланган жамлама ҳисоботи;

қўшиб юбориш ёки бирлаштириш шартномасининг нуқсаси (қўшиб юбориш ёки бирлаштириш шаклида қайта

9

Киркиш чизиғи

Лойиҳа
Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ
СУГУРТА
ФАОЛИЯТИ
ТЎҒРИСИДА
2-модда. Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Киркиш чизиғи

Махсус ваколатли давлат органи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Махсус ваколатли давлат органи, унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг устив жамғармасида ва бошқарув органида иштирок этишга ёхуд бошқа шахсларнинг вақили бўлиб қатнашишга, шунингдек суғурта воситачисини сифатида иш қоритишга ҳақли эмаслар.

9-модда. Суғурта соҳалари ва турлари (класслари)

Суғурта қўйидаги соҳаларга бўлинади:

10-модда. Суғурталовчиларни тузиш ва давлат рўйхатида ўтказиш

Суғурталовчилар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ташқиқли-ҳуқуқий шаклларида тузилади.

Суғурталовчиларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда амалга оширилади.

11-модда. Суғурталовчиларнинг устив фонди

Суғурталовчилар устив фондининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Суғурталовчи устив фондининг камиди тўқсон фоизи муассасларининг (иштирокчиларининг) пул маблағларидан шакллантирилади.

6

Буклаш чизиғи

Суғурталовчилар қонунда белгиланган асосларда ва тартибда, ушбу Қонуннинг мақсури моддаси ва 18-моддасида назарда тутилган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тугатилиши мумкин.

Суғурталовчи ўзининг муассаслари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шундай ваколат тугатилаётганда махсус ваколатли давлат органининг оддиндан розилик бериши талаб қилинади.

Муассислар (иштирокчилар) ёхуд таъсис ҳужжатларида шундай ваколат бериладиган суғурталовчининг органи томонидан тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин суғурталовчи махсус ваколатли давлат органига тугатишга розилик бериш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат этиш ҳолда қўйидаги ҳужжатларни илова қилади:

туғатиш тўғрисидаги қарор;

суғурталовчининг суғурта шартномалари билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар;

туғатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санага ҳам бўлган, аудиторлик ҳулосаси билан тасдиқланган баланси ҳисоботи;

суғурталовчининг тугатиш муддатлари ва шартлари кўрсатилган ҳолдаги тугатиш режаси.

Суғурталовчининг тугатишга розилик олиш учун берилган илтимоснома барча зарур ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн кун ичида махсус ваколатли давлат органи томонидан қўриб чиқирилиши керак.

Махсус ваколатли давлат органи тугатиш учун рухсатнома бериш билан бир вақтда тақдим этилган тугатиш режасига ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Махсус ваколатли давлат органи қўйидаги ҳолларда суғурталовчининг тугатишга розилик бериши рад этишга ҳақли, агар:

туғатиш натижасида суғурта қилдирувчилар ва кредитдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилади;

туғатишга розилик берилиши учун тақдим этилган ҳужжатларда ишонсиз маълумотлар бўлса ёки бу ҳужжатлар қонун ҳужжатларига номувофиқ бўлса.

Махсус ваколатли давлат органи тугатишга рухсатнома бериши рад этиш тўғрисида суғурталовчининг ёзма ра-

11

Академик Раҳимахон АМИНОВА
Ўзбекистон фани оғир жудликка учради.
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Абу Райхон Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, тарих фанлари доктори, профессор, фаннинг таъқиқ намойишдаси Раҳимахон Ҳодиевна Аминова 76 ёшида вафот этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
юридик шахслар учун депозит сертификатлари эмиссиясини
Эълон қилади.
(Ўзмарказбанк гувоҳномаси — 2001 йил 29 август №14-4-0044)
Эмиссия ҳажми — 6 500 000 000 сўм.
Сертификат номинал қиймати — 1000 сўм.
Депозит сертификатлари миқдори — 6 500 000 дона.
Сертификатлар муомалода бўладиган муддат — 30; 91; 182; 273; 365 кун.

Ҳамкасбларимиз
Ҳар нашрнинг
ўз ўқувчиси бор
Наманган вилояти тиб-
биётларининг севили тиб-
бетаси «Шифокор ва ҳаёт»
нинг шухрати бугунги кун-
да анча тилга тушди. Аҳоли
ўртасида тиббий билимлар-
ни тарғиб қилишга йўнал-
тирилган тобора оммавийлаш-
иб бораётган кузатишти. Унинг
бугунги кунда ўн бир минг
нуҳсада чоп этилаётгани тал-
абчан муштарийнинг
кўнгли тўлаётганидан нишо-
на. Дарҳақиқат, «Шифокор
ва ҳаёт» саҳифаларининг па-
рақлаган киши ўзини қизиқ-
тирган саволга жавоб топа
олади.

“MALVIL” МЧЖ
ДИЗЕЛЛИ ВА БЕНЗИН БИЛАН ИШЛАЙДИГАН,
КУВВАТИ 300 КВАДАН 800 КВАГАЧА БЎЛГАН
ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАР
Исталган қувватдагиси.
Ишлаб чиқарувчилар: Германия (GECO),
Италия (Lifter), Япония (Honda), Россия.
UPS
куватли 300 КВАДАН 800 КВАГАЧА БЎЛГАН
УЗЛУКСИЗ ОЗУҚА БЛОКЛАРИ
Ишлаб чиқарувчи: Франция (MGE).
КАФОЛАТ. ЭХТИЁТ ҚИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ. ТЕХНИК ХИЗМАТ.
Тошкент ш., 700000, В.Малясов кўчаси, 3, 113-115 хоналар.
Тел.: (998-71) 120-68-36, 110-20-36, (998-712) 41-31-24.
E-mail: malvil@operamail.com.

Божхона бекати
Сўқмоқдаги қинғирликлар
Давлат божхона қўмитаси
ҳодимлари Вазирлар Маҳкамаси-
нинг қарорларини бажара
бориб, контрабанда усулида
давлатнингга олиб ўтишга
уринилган қатта миқдордаги
спиртни тўхтатиб қолди. Бу
борда Тошкент вилояти
божхона бошқармасининг
контрабанда ва божхона
қондилари бузилишига қарши
кураш бўлими ходимлари
жонбозлик кўрсатдилар. Улар
туғи соат учларда Бекобод
туманидаги сўқмоқ йўллар
билан Тожикистондан кириб
келётган «КамАЗ» автомашина-
сини тўхтатишди. Унинг
юқониси қўздан кечирилган-
да, ҳайдовчи бекорга ярим
тунда ўришча йўлдан юрмага-
ни маълум бўлди. Машина
юқонисига 10 тонна спирт
қолган экан. Дастлабки
суриштирувлар давомида
фуқаро Убайдулла Нарзиев
ўзининг шахсий машинасида
спиртни қонуний элиб равишда
олиб ўтмоқчи бўлганлиги
аниқланди.
Бундан ташқари, Тошкент
тумани, Алишер Навоий
номли жамоа хўжалиги
ҳудудидagi дала йўллар билан
давлатнингга ўтишга уринган
тўртта юк автомашинаси қўлга
олинди. Улар назоратдан
ўтказилганда 150 миллион
сўмлик турли хилдаги чет
эللарда ишлаб чиқарилган
кичим-кечаклар борлиги
маълум бўлди. Юк эгалари
давлат хўзасига ундирилиши
шарт бўлган тўловларни
тўлашдан бош тортган ҳолда

ташқил этилаётганда).
Кайта ташқил этиши ўтказишга розилик олиш учун берилган илтимоснома барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўн беш кун ичида махсус ваколатли давлат органи томонидан кўриб чиқилиши керак.

Махсус ваколатли давлат органи қўйиладиган ҳолларда қайта ташқил этишга розилик беришни рад қилишга ҳақли, агар:

қайта ташқил этиш натижасида янгитдан ташқил қилинадиган суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигига қўйиладиган талаблар бузилиши мумкин бўлса;

қайта ташқил этишнинг амалга оширилиши суғурта бозорига рақобатнинг чекланишига олиб келиши мумкин бўлса;

қайта ташқил этишга розилик берилиши сўраб тақдим қилинган ҳужжатларда ишонсиз маълумотлар бўлса ёки бу ҳужжатлар қонун ҳужжатларига номувофиқ бўлса;

қайта ташқил этиш қонун ҳужжатларига зид бўлса.

Махсус ваколатли давлат органи қайта ташқил этишга розилик беришни рад қилиш тўғрисида суғурталовчининг ёзма равишда хабардор қилади.

Кўшиб юбориш, бўлиш, ажратиш ва қайта тузиш шаклида қайта ташқил этилганда суғурталовчи (суғурталовчилар) лицензиясининг амал қилиши тугатилади. Қайта ташқил этиш натижасида янгитдан тузилган суғурталовчиларга лицензияларини берилган соҳасидан ташқил этилган амалга оширилади. Кўшиб юбориш, бўлиш, ажратиш ва қайта тузиш шаклида қайта ташқил этишни амалга ошириш даври учун ҳамда янгитдан тузилган суғурталовчилар лицензия олгунга қадар бўлган даврда улар суғурта шартномаларини тузишга, амалдаги суғурта шартномаларини ўзгартиришга ҳақли эмаслар, илгари тузилган суғурта шартномалари бўйича ўз зиммаларига олинган ҳуқуқий вазирлик тартибда ўтган мажбуриятларни бажариш ҳоллари бундан мустаснодир.

Бирлаштириш тарзида қайта ташқил этилаётганда ўзига бошқа суғурталовчи бirlашаётган суғурталовчи, агар бирлаштириш натижасида лицензиянинг шартлари ўзгармаса, амалдаги лицензияни сақлаб қолади.

17-модда. Суғурталовчиларни тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари

10

Буқлаш чизиғи

Суғурталовчининг устав фондини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Суғурталовчининг устав фонди тегишли лицензия олинган пайтда қадар суғурталовчининг муассислари томонидан тўланган бўлиши керак.

Суғурталовчининг бошқа суғурталовчиларнинг устав фондида иштирок этишига йўл қўйилмайди, суғурталовчилар чет эл сармоiasi иштирокида ва унитар корхона шаклида ташқил этилган ҳоллар бундан мустаснодир.

12-модда. Суғурталовчилар фирмасининг номланишига нисбатан қўйиладиган талаблар

Фирма номида ёки реклама мақсадларида "суғурта" атамасидан, унинг ҳосилларидан ёки шу атамани ва унинг ҳосилларидан қўлланилган сўз бирикмасидан фақат суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган суғурталовчиларига фойдаланишлари мумкин.

Суғурталовчиларнинг фирма номида илгари ташқил этилган суғурталовчиларнинг номи билан бир хил ёки улар билан чалқаштириб юборилган даррадада ўхшаш белгилар қўлланилишига йўл қўйилмайди, суғурталовчилар филиалларининг, шунингдек унитар корхона шаклида бошқа суғурталовчилар томонидан ташқил этилган суғурталовчиларнинг номлари бундан мустаснодир.

13-модда. Суғурталовчиларнинг суғурта фаолиятини лицензиялаш

Суғурта фаолиятини ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органи берадиган лицензиялар асосида суғурталовчилар томонидан амалга оширилади.

Лицензиялар суғурталовчиларга ҳаётни суғурта қилиш соҳасида ёки умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун берилади. Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас, умумий суғурта соҳасининг махсус ваколатли давлат органи белгиланган айрим турлари (класслари) бундан мустаснодир. Умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас.

Лицензияда суғурталовчи амалга оширишни назарда

7

Кирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

"Суғурта фаолиятини тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Суғурта фаолиятини тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси биринчи ўқишда маъқуллансин.

2. "Суғурта фаолиятини тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида эълон қилинсин.

3. Олий Мажлисининг Иқтисодийнинг ислоҳ қилиш масалалари ва таъбиркорлик қўмитаси тушган тақлифларни манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда умумлаштириш ҳамда "Суғурта фаолиятини тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг маромига etkazилган лойиҳасини Олий Мажлис муҳокамаига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,

2001 йил 7 декабрь.

2

Буқлаш чизиғи

туғатилаётганда амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларнинг тақдим этилиши ушбу молда-нинг биринчи қисмига мувофиқ суғурта сирини ошқор қилиш ҳисобланмайд.

Тузилган суғурта шартномалари ва амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотлар суғурта қил-дирувчи — жисмоний шахс вафот этган тақдирда қуйи-дигарларга берилади:

суғурта қилдирувчи ўз васитасида кўрсатган шах-сарга;

суғурта ва нотариусларга — суғурталовчи иш юртишида бўлган мерос ишлари бўйича суғурта сирини, қарори бўйича ёки нотариуснинг ўз муҳри билан тасдиқланган ёзма сўрови асосида. Нотариуснинг ёзма сўровига суғурта қилдирувчи вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳномадан нуҳаси илова қилинган бўлиши керак;

консуллик муассасаларига — уларнинг иш юртишида бўлган меросга оид ишлар юзасидан.

26-модда. Чет эл суғурта ташқиловчиларнинг фаолиятини

Чет эл суғурта ташқиловчиларни қонун ҳужжатларида бел-гиланган тартибда юридик шахслар — суғурта бозори про-фессинал иштирокчиларининг муассислари (иштирокчи-лари) бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлмаган су-ғурталовчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта суғурта қилишни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетаётган транспорт воситала-ри ва бошқа ўзиорар машиналар ҳамда механизмлар эти-ларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталашни амалга оширишга ҳақлидирлар. Булар ана шундай суғурта шартномаларини тузиш суғурта воситачилари — Ўзбекис-тон Республикасининг резидентлари орқали амалга оши-рилади.

27-модда. Низолатини ҳал этиш

Суғурта фаолиятини соҳасида юзага келадиган низолат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

28-модда. Суғурта бозори профессионал иштирокчи-ларнинг жавобгарлиги

Суғурта фаолиятини тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бу-зилган тақдирда суғурта бозорининг профессионал ишти-рокчиларига нисбатан махсус ваколатли давлат органи қуй-идаги иқтисодий жарималарни қўллаши мумкин.

15

Кирқиш чизиғи

вишда хабардор қилади.

Суғурталовчининг тугатиш комиссияси, оралиқ ва тугатиш билан баланслари тасдиқланишига қараб, уларнинг ну-схаларини махсус ваколатли давлат органига тақдим эта-ди.

Суғурталовчи суғурта қарори билан туғатилаётганда тугатишни амалга ошириш махсус ваколатли давлат органи зиммасига юкланади.

18-модда. Суғурта қарорига биноан туғатилаётган су-ғурталовчи кредиторларнинг талабларини қаноатланти-риш навбати

Суғурта қарорига биноан туғатилаётган суғурталовчи кредиторларнинг талаблари тугатишни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлар, шунингдек туғатилаётган су-ғурталовчининг асосий вазирларнинг таъминлаш зарури-ятидан келиб чиқадиган ҳаракатлар тўланганидан сўнг қуйидаги тартибда қаноатлантирилади:

биринчи навбатда — ҳаётни суғурта қилиш соҳасида мажбурий суғурта шартномалари бўйича суғурта қил-дирувчиларнинг талаблари;

иккинчи навбатда — суғурта қилдирувчиларнинг бо-шқа мажбурий суғурта шартномалари бўйича талаблари;

учинчи навбатда — бошқа суғурта қилдирувчилар-нинг (наф олувчиларнинг) талаблари;

тўртинчи навбатда — бюджетга, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларни назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича талаблар. Қўрсатилган талаблар тўлиқ қаноатлантирилгандан кейин илтимой суғурта бўйича талаблар ҳамда жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ту-файли фуқароларнинг улар мол-мулкларига etkazилган зарарни қоплаш бўйича талаблари қаноатлантирилади;

бешинчи навбатда — бошқа кредиторларнинг талаба-ри.

Суғурталовчининг унинг банкротлиги муносабати билан туғатишда кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оши-рилади.

19-модда. Суғурталовчининг номини, ташқилий-ҳуқуқий шаклини ёки жойлашган манзилини ўзгартириш

Суғурталовчи ўзининг номи, ташқилий-ҳуқуқий шак-ли ёки жойлашган манзилни ўзгарган тақдирда ва ҳақда суғурта қилдирувчиларни оммавий ахборот воситалари

12

Буқлаш чизиғи

Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оши-рилиб, у:

ижро этилиши мажбурий бўлган тўловга қобилиятли-лик нормативларини ҳамда уларни аниқлаш тартибини, айрим ҳафлар бўйича суғурталовчилар мажбуриятларини йўл қўйиладиган энг юқори миқдорини ва мажбури-ятларнинг умумий миқдорини ҳисоблаш усулбетиини, суғурталовчиларнинг тўловга қобилиятлигига доир ах-боротларни тақдим этиш тартиби ва муддатларини белги-лайди;

суғурталовчилар ва суғурта брокерлари суғурта фао-лиятини тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишини, белгиланган тўловга қобилиятлилик нормативлари ва молиявий барқарорлигининг бошқа талаблари бажарили-шини назорат қилади;

суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фа-олиятини лицензиялайди;

суғурталовчилар томонидан ҳисоб-китобни юритиш, ҳисоботлар тузиш, суғурта захираларининг маблағларини шакллантириш ва жойлаштириш тартибини белгилайди;

суғурталовчининг ижрочи органи раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган ижро этилиши мажбурий бўлган ма-лака талабларини белгилайди;

суғурталовчилар томонидан ҳисоботларни тақдим этиш шакли, тартиби ва муддатларини белгилайди;

қонун ҳужжатларида мувофиқ суғурталовчилар ва су-ғурта брокерлари фаолиятини текширади;

суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар киритади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурталов-чилар ва суғурта брокерлари лицензияларининг амал қили-шини тўлиқ ёки айрим суғурта турлари (класслари)га нисбатан тўхтатиб қўлади, шунингдек уларнинг амал қили-шини тугатади;

ҳар бир молия йили туғатилгандан кейин олти ой мобай-нида суғурта фаолиятини тартибга солиш ва уни назорат қилиш бораосидаги фаолият тўғрисида йиллик ҳисоботлар-ни, шунингдек суғурта бозорининг молия йили мобай-нидаги фаолият тўғрисида статистика маълумотларини эълон қилади.

5

Кирқиш чизиғи

восита боғлиқ бўлмаган таъбиркорлик фаолиятини билан шуғулланишлари мумкин эмас. Қуйидагилар бундан мус-таснодир:

махсус ваколатли давлат органи белгиланган тартиб-да шартлардаги инвестиция фаолияти;

суғурта соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини оши-риш билан боғлиқ фаолият.

Суғурта брокери, қайта суғурта қилувчи брокер ва су-ғурта агенти суғурта воситачилари ҳисобланадилар.

5-модда. Суғурта брокери

Ўз номидан ва суғурта қилдирувчининг топшириғига биноан суғурта шартномалари тузилишини ва ижро эти-лишини ташқил қилиш бўйича фаолиятини амалга оши-рувчи юридик ёки жисмоний шахс суғурта брокери ҳисоб-ланади.

Суғурта брокерларининг фаолиятини Ўзбекистон Респу-бликаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда мах-сус ваколатли давлат органи берадиган лицензиялар асо-сида амалга оширилади.

Суғурта брокерининг фаолиятини суғурта соҳасидаги бо-шқа фаолият турлари билан қўшиб олиб борилиши мумкин эмас, қайта суғурта қилувчи брокерининг фаоли-яти бундан мустасно.

6-модда. Қайта суғурта қилувчи брокер

Ўз номидан ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйи-ча суғурта қилдирувчи тарихида иштирок этувчи суғур-таловчининг топшириғига биноан қайта суғурта қилиш шартномалари тузилишини ва ижро этилишини ташқил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик шахс қайта суғурта қилувчи брокер ҳисобланади.

7-модда. Суғурта агенти

Ўз номидан ва суғурталовчининг топшириғига биноан суғурта шартномаларининг тузилиши ва ижро этилишини ташқил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик ёки жисмоний шахс суғурта агенти ҳисобланади.

Суғурта агентининг фаолиятини суғурта соҳасидаги фао-лиятнинг бошқа турлари билан қўшиб олиб борилиши мумкин эмас.

Суғурталовчилар ўзлари ваколат берган суғурта агент-ларнинг реестрларини юритишлари лозим.

8-модда. Суғурта фаолиятини соҳасидаги махсус ваколат-ли давлат органи

4

Буқлаш чизиғи

орқали, бир йилдан ортиқ муддат билан ўз ижросида тур-ган суғурта шартномалари бўйича — ёзма равишда хабар-дор қилиши шарт.

20-модда. Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари

Қўбул қилинган суғурта мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун суғурталовчилар махсус ваколатли давлат органи белгиланган тартибда ва шартларда суғурта за-хираларини шакллантириш ҳамда жойлаштиришлари.

Суғурталовчининг суғурталовчилар шакллантирилган суғурта захираларига мос келувчи активлари олинмайди.

21-модда. Суғурталовчилар тўлов қобилиятининг кафо-латлари

Суғурталовчилар айрим ҳафлар бўйича йўл қўйиладиган энг юқори миқдордан ва мажбуриятларнинг йўл қуй-иладиган энг юқори умумий миқдордан ортиқ мажбурият-ларни ўз зиммаларига олишлари мумкин эмас, уларнинг бу мажбуриятларни бажариш қобилияти белгиланган нор-мативларга мувофиқ қайта суғурта қилинган ҳоллар бундан мустаснодир. Ўзбекистон Республикасининг резиден-тлари бўлган суғурталовчилар чет эллик суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг ҳизматларидан фойдаланиб, чет эл-да ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда қайта су-ғурта қилишга ҳақлидирлар.

22-модда. Суғурталовчилар бухгалтерияси ҳисоби ва ҳисоб-ботдорларнинг ўзига хос хусусиятлари

Суғурталовчилар, суғурта брокерлари — юридик шах-слар ва қайта суғурта қилувчи брокерлар Ўзбекистон Рес-публикаси Молия вазирлиги билан келишиб, махсус ва-колатли давлат органи белгиланган тартибда ўзига хос хусусият-ларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритишлари.

23-модда. Монополистик фаолият

Суғурта бозорида рақобатни чеклаш ёки бартараф эти-шга, бир суғурталовчиларга бошқаларига қараганда асосий афзалликлар берилишига ёки олинишига, суғурта қил-дирувчилар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситишига қаратилган монополистик ва бошқа фаолиятга йўл қўйилмайди.

Суғурталовчилар ва суғурта воситачиларига ўз уюшма-лари (иттифоқлари) ва бошқа бирлашмаларидан суғурта бозорини монополаштиришга ва суғурта фаолиятини ра-қобатни чеклашга қаратилган битимларга эришиш йўлида

13

Эркин ва юнон-рум кураши

Полвон бўлсанг




САВОЛ БИЗДАН...

Қуйида берилаётган сўзлар билан қайси роман бошланади, унинг муаллифи ким: «Унинг ўрта вазнли танк взводига командир этиб тайинланганига бир йилдан сал зийдроқ вақт ўтди».

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Эверест чўққисини биринчи бўлиб Янги Зеландиялик альпинист Эдвард Хиллари 1953 йилда забт этган.



Ташкилот ишлатилмаган «ДЕ» русумли буг қозонини (паровой котел) сотиб олади. Телефон: 130-66-84.



шундай бўл!

Бу гапни қўп эшитгансиз. Рақибини силтаб отадиган полвонлар ана шундай алқаша-ди. Ўзбекистонда бу таърифга лойиқ спортчилар жуда кўп. Мисол учун узоққа бормай ке-чагина дилчимизни шодлаган иккинчи Дилшодди олинг.

Эркин курашчимиз Дилшод Мансуров Тошкентда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритди. Тан берадиган томони, барча рақибларининг курагини ерга теккизди. Муҳи-су мутахассисларнинг олқи-ши ёғиди: полвон бўлсанг шундай бўл!

Юнон-рум курашчимиз Дил-шод Орипов Грециянинг Пат-ра шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида ашаддининг раба-синини тақдорлади. У нафақат ўз вақтида, балки чемпионат-нинг энг яхши курашчиси, деб топилди махсус соврин билан тақдирланди.

Ингиллиз қатнашчилари ас-

социациянинг ҳисобот даври-даги фаолиятини қониқарли баҳолашди. Шу пайтгача асо-циация президенти бўлиб иш-лаб келган А. Рўзиев FILA (Ха-лқаро ҳаваскор курашчилар асо-циацияси)нинг бюро аъзולי-гига сайлангани учун ушбу ха-лқаро ташқилотнинг низомига мувофиқ эгалаб турган лаво-зимдан овоз қилинди.

Конференция делегатлари-нинг тақлифига кўра, бўшаб қолган бу лавозимга С.Абдува-лиев номзоди кўрсатилди. Ва у бир овоздан маъқулланди.

Ингиллиз якунида республи-ка Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Мах-ситов яна бир нарсани маълум қилди.

Ўзбекистон Президентининг фармонига кўра, Дилшод Ориповга 10 миң, Артур Таймазовга эса 5 миң АҚШ доллари миқдоридан мукофот ажратилди.

— Уни ҳозир топшироқчи эмасмиз. Тақдирлаш учун ало-ҳида таъбир уюштиравиз, — деди Бадбир Махситович.

Истиқлол туғайли ўзбек спортчилари халқаро майдонда куч синишиш имконига эга бўлдилар. Ана шу имкон босе улар Ватанимиз саложитини дунёнинг бешта қитъасида на-мойиш этишмоқда, юртимиз байроғини баланд кўтариш-аёт-тир. Демак, улар бир-бирига жуда керак. Энг муҳими ана шунда.

Озод РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» шарҳловчиси. Абдугани ЖУМАЕВ олган суратлар.

Компания ва фирмалар раҳбарлари диққатига!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ «ЎЗБЕКТЕНДЕРКОНСАЛТИНГ» АГЕНТЛИГИ ВА «ЎЗФАРМСАНОАТ» ДАК
ПОЛИСАХАРИДЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЖИҲОЗЛАРГА ОЧИҚ ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Тендер шартлари бўйича ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин.
Манзил: Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 75-уй, Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий алоқалар вазириликни биноси.
Телефонлар: 68-75-10, 68-25-51, факс 68-75-96.

Makita
МИРОВОЙ АНДЕР ВО ПРОИЗВОДСТВО ЛАКТОПРИМЕНЕНА КОРПОРАЦИЯ НАЧИНАЕТ СВОЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В УЗБЕКИСТАНЕ И ПРИГЛАШАЕТ К СОТРУДНИЧЕСТВУ АНАГЕРОВ
ГАРАНТИЯ. СЕРВИСНОЕ ОБСЛУЖИВАНИЕ
✓ ПЕР